# ШИМОЛИ-ҒАРБИЙ БАҚТРИЯДА "КАТТА ЮЕЧЖИНЛАР"НИНГ ЎТРОҚЛАШУВ ЖАРАЁНИ (АРХЕОЛОГИЯ, АНТРОПОЛОГИЯ ВА ЁЗМА МАНБАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ)

**© 2022. Аннаев Тухташ[1], Аннаев Жалолиддин[2], Арзиев Комилжон[3]**

*Термиз давлат университети[1], Ўзбекистон Миллий университети[2], Самарқанд археология институти[3]*

**Калит сўзлар:** Шимолий Бактрия, Шимоли-ғарбий Бактрия, Кушон подшолиги даври, Бойсунтоғ, "Темир дарвоза", Туманкўрғон, Работ I, Бандихон, Ялангтўштепа, Вахшувар, Холниёзтепа, Далварзинтепа, Айритом, Хўжа Гулсуяр, Хотинработ, Фаёзтепа.

*XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб "Катта юечжинларнинг"Шимолий Бақтрияга миграцияси муаммолари тадқиқ этиб келинмоқда. Бу давр мобайнида кўп сонли тарихий ва археологик манбалар нашр этилган бўлиб, уларда "Катта юечжинларнинг"Шимолий Бақтрияга юриши, уларнинг мазкур ҳудудда жойлашуви ва қайси этносга мансублиги, шунингдек, Кушон подшолигининг шаклланишидаги ўрни масалалари ёритилган. Тадқиқотлар натижалари эрамиздан аввалги I асрдан бошлаб Шимолий Бақтрияда урбанизацион жараёнлар жадал кечганлиги ва бу жараёнларда "Катта юечжинлар" ҳам муҳим ўрин тутганлигини кўрсатмоқда.*

*Мақолада илк маротаба Окс-Амударёдан шимолий тарафда, эрамиздан аввалги II асрнинг тўртинчи чорагидан Кушон подшолиги даври (I–III аср ўртаси) мозор қўрғонлари ва қабристонларининг географик жойлашувига кўра, "Катта юечжинларнинг"қуйидаги чорвачилик-ўтроқлашув ҳудудлари аниқланган ҳамда таърифи келтирилган. Муаллифлар томонидан қуйидаги асосий зоналар белгиланган: Бойсун-Бандихон, Термиз ва унинг атрофи, Айритом-Хотинработ, Вахшувар-Далварзинтепа, Тўпаланг-Холчаён-Боботоғ шимолий-ғарбий ён бағри, Ҳисор воҳаси, Бишкент воҳаси, Тахти Сангин-Вахш дарёси ўнг қирғоғи, Тошработ-Куҳитанг ва ҳ.к.*

*Археология, антропология ва ёзма манбаларнинг қиёсий таҳлили "Катта юечжинлар"нинг Шимолий Бақтрияда ўтроқлашув жараёни босқичма-босқич амалга ошганлиги, шунингдек, Кушон подшолигининг ташкил топишида Гуйшуан (кушон) ябғуси билан бир қаторда, бошқа ябғуларнинг ҳам бу жараёнда муҳим ўрин эгаллаганлигини кўрсатмоқда.*

# ПРОЦЕСС ЗАСЕЛЕНИЯ "БОЛЬШИМИ ЮЭЧЖИ" СЕВЕРО-ЗАПАДНОЙ БАКТРИИ (СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ, АНТРОПОЛОГИЧЕСКИХ И ПИСЬМЕННЫХ ИСТОЧНИКОВ)

**© 2022. Аннаев Тухташ[1], Аннаев Жалолиддин[2], Арзиев Комилжон[3]**

*Термезский государственный университет[1], Национальный университет Узбекистана[2], Самаркандский институт археологии[3]*

**Ключевые слова:** Северная Бактрия, Северо-Западная Бактрия, период Кушанского царства, Байсунтау, "Железные ворота", Туманкурган, Работ I, Бандихан, Ялангтуштепа, Вахшувар, Холниязтепа, Далварзинтепа, Айртам, Ходжа Гулсуяр, Хатынрабат, Фаязтепа.

*Проблема миграции "Больших юэчжи" в Северную Бактрию исследуется с 80-х гг. XX века. За это время было опубликовано большое количество исторических и археологических источников, способствующих раскрытию вопросов об их этнической принадлежности, процессах завоевания и расселения юэчжей в Бактрии, истории формирования Кушанского царства. Результаты иссле-*

*дований показывают, что с I в. до н. э. урбанизация Северной Бактрии усиливается, и особую роль в этом процессе также сыграли "Большие юэчжи".*

*В статье на основе географического расположения могильников последней четверти II в. до н. э. и Кушанского времени (I в. н. э. – середина III в. н. э.) впервые выявлены зоны первоначального кочевания и оседания этноса «Большие юэчжи» к северу от Окса-Амударьи. Авторами выделены следующие основные зоны: Байсун-Бандихон, Термез и его округа, Айртам-Хатынрабат, Вахшувар-Далварзинтепа, Тупаланг-Халчаян-северо-западные отроги Бабатага, Гиссарский оазис, Бишкентский оазис, Тахти Сангин- правобережье Вахша, Ташрабат-Кугитанг и т.д.*

*Сравнительный анализ археологических, антропологических и письменных источников показывает, что процесс заселения "Большими юэчжи" Северной Бактрии происходил поэтапно и другие ябгу, наряду с Гуйшуанским (кушанским) ябгу, сыграли важную роль в формировании Кушанского царства.*

**Кириш**

Эрамиздан аввалги II асрнинг тўртинчи чорагида Юнон-Бақтрия подшоҳлигини батамом инқирозга учратган "Катта юечжинлар"нинг Шимолий Бақтрияга миграцияси ва бу этноснинг, даставвал Окс-Амударёдан шимолий тарафга ўрнашиш жараёни, улар томонидан қолдирилган антропологик манбалар таърифи қатор муаллифлар тадқиқотларида ўз аксини топган. Бу борада Ф. Грене (Грене, 2014. С. 57–69), Х. Фолк (Falk, 2014. PP. 1–44), Крейг Г. Р. Бенжамин (Benjamin, 2007), Т. Ходжайов, С. Мустафакулов, Г. Ходжайова (Ходжайов и др., 2012. С. 13–22), Э. В. Ртвеладзе (Ртвеладзе, 2019. С. 2–24) лар эълон қилган тадқиқотлари ва Ўзбекистон-Хитой археологик гуруҳи томонидан Работ-I мозор қўрғонларида амалга оширилган археологик қазув ишлари алоҳида аҳамият касб этади (Аннаев и др., 2018), (O`zbekiston va Xitoy..., 2019).

"Катта юечжинлар" бир гуруҳини Бойсунтоғдаги "Темир дарвоза" орқали Шимоли-ғарбий Бақтрияга кириб келиб, Бойсун-Бандихон йўналишида ўтроқлашув жараёнини мавжуд археологик манбалар асосида қуйидагича реконструкция қилиш мумкин. "Темир дарвоза" – Бойсун йўналишида эрамиздан аввалги II асрда мавжуд бўлган қалъа Туманқўрғон (Поёнқўрғон) бўлган. Табиий тепалик устида қурилган, қарийб икки томони туб жарлик билан чегараланган, мудофаа тизимининг қатор жиҳатларини ўзида мужассам этган бу мустаҳкам ҳарбий қалъа юечжилар томонидан эгалланади ва вайрон этилмасдан қайтадан муттасил фойдаланилади (Аннаев ва б., 1997). Бу борада Туманқўрғон номининг изоҳи ҳам эътиборга лойиқ. Е. И. Кычановга кўра, "Катта юечжинларнинг қўшини "тумен", яъни "туманлар"га бўлинган (Кычанов, 2010. С. 50). Туманқўрғоннинг рўпарасида, ундан 1 км шимоли-ғарбда жойлашган Работ I мозор қўрғонларида дафн этилган аҳолининг бир қисми айни шу қалъада истиқомат қилган. Работ I мозор қўрғонларида қайд этилган уч қиррали пайконлар, тақинчоқлар ва сопол идишларга айнан ўхшаш археологик ашёвий манбалар Туманқўрғоннинг эрамиздан аввалги II асрнинг тўртинчи чораги–эрамиздан аввалги I аср қатламларида ҳам қайд этилган. Бойсун-Бандихон чорвачилик ва ўтроқлашув ҳудудининг шимолий қаноти Бойсунтоғга туташ бўлса, жануби-шарқий тарафи Бандихон воҳаси ва унда жойлашган йирик аҳоли манзили Ялангтуштепа билан чегараланади. Бу йўналиш ҳам камида 50–60 кмни ташкил этиб, йилнинг тўрт фаслига мос ҳудуд. Бу йўналишнинг умумий узунлиги қарийб 3 км ни ташкил этган, Работ I–III мозор қўрғонлари билан бирга ҳар-хил катталикдаги ва турли вазифаларни бажарган аҳоли манзиллари жойлашган. Булар Бойсунтоғга туташ жойда, Бандихонсойнинг чап қирғоғидаги Қўрғонибоfüggetlen (Юқори қўрғон), Туманқўрғон, Кофирун қишлоғида Кофирунсойнинг чап қирғоғида жойлашган Мунчоқтепа (Аршавская и др., 1982. С. 117). Кофирунсойнинг Бандихонсойга ажралган қисмида умумий майдони 15 гектарни ташкил этган Сарибанд (Бош-

банд) (Ртвеладзе, 1976. С. 100) ва воҳанинг маркази Ялангтўштепа жойлашган. Ялангтўштепа, Туманқўрғон ёдгорликларида эрамиздан аввалги III–II асрлар маданий қатламлари қайд этилган (Горин, 2011. С. 80–112) ва шу боис, ёдгорликларда маҳаллий аҳоли томонидан тангалар ҳам топилган. Юнон-Бақтрия шоҳи Диодотнинг кумуш тетрадрахмаси булар сирасидандир (1-расм). Бандихон воҳасида илк темир асридан сунъий суғориш тизими



*1-расм. Диодот кумуш тетрадрахмаси.*
*Рис. 1. Серебряная тетрадрахма Диодота*
*Figure 1. Silver Tetradrachm of Diodotus.*

шаклланганлиги (Ртвеладзе, 1976. С. 96–100), чорва учун кенг яйловларнинг мавжудлиги туфайли “Катта юечжинлар” дан бир гуруҳи айни шу манзилга ўрнашадилар. Шу боис, Ялангтўштепа Кушон подшоҳлиги даврида кенгайиб, умумий майдони 30 гектарли аҳоли манзилига айланади. Ялангтўштепа таркибида 12 гектарли қабристоннинг мавжудлиги, бу манзилда ўз даври учун кўп сонли аҳоли яшаганлигидан далолат беради (Ртвеладзе и др., 1977. С. 541; Маликов, 1979. С. 87–88; Ртвеладзе, 1983. С. 125–143). Ўз даврида, бу қабристонда шартли равишда науслар, деб номланган ўн иккита дафина қазиб очилган. Ялангтўштепа некрополи наусларидан топилган тангалар, шу жумладан Сотер Мегас, Вима Кадфиз, Васудева I номидан зарб этилган тангалар асосида эрамизнинг II–III асрлар ўртаси билан даврлаштирилган. Фақат бир ҳолатда, яъни IX наусда жасад узала ҳолатда қўйилган бўлса, қолган барча дафн иншоотларида, даставвал тозаланган суяклар қўйилган (Ртвеладзе, 1983. С. 139–140).

Бойсунтоғ-Бандихон чорвачилик ва ўтроқлашув ҳудуди таърифланаётганда, бевосита Бойсун атамасига ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, Бойсун ҳудуди асрлар давомида турли этносларга хос тарихий топоним ва оронимларни ўз бағрида сақлаб келган. Булар “Темир қопуғ” (Дари Оҳанин, Бабаи хадид), Соримос, Работ, Туркондарё, Бойсун ва Бойсунтоғ. Фикримизча, Бойсун атамасининг пайдо бўлиши бевосита “Катта юечжинлар билан боғлиқ. Бойсун, бой+син-сун сўзларидан тузилган. Бойсун – “улуғ”, “буюк” тоғ (Нафасов, 1988. Б. 38–39; Нафасов ва б., 1997. Б. 40–43). Юечжилар Бойсун тоғларини Тангритоғ, яъни Тяншань тоғлари каби эъзозлаганлар ва уни муқаддас, деб билганлар. Шу боис, Бақтрия ҳудудидаги “Катта юечжинлар” билан боғлиқ энг қадимги Работ I мозор қўрғонидаги 100 дан ортиқ ўрганилган қабрларда дафн этилганларнинг барчасини боши шимолга, яъни Бойсунтоғга қаратиб қўйилган (2-расм). Эрамиздан аввалги II асрнинг тўртинчи чораги – эрамиздан аввалги I аср Шимолий Бақтрия аҳолисини антропологлар томонидан шаҳарлик ва кўчманчи чорвадор (номад) гуруҳларга бўлишнинг ўзи эътирозли бўлиб, бу фикр яна қайтадан чуқур изланишни ва таҳлилни талаб этади. Б. А. Турғунов эътирофига кўра, Айритом мозор қўрғонлари шу яқин атрофда мавжуд бўлган катта аҳоли манзилида истиқомат қилган аҳоли томонидан қолдирилган (Тургунов, 1968. С. 50–52; Тургунов 1973. С. 52–77). Айритом мозор қўрғонларини пайдо бўлиши тўғрисида айни шундай юзаки ёндашув Эски Термиз наусларини тадқиқ этган гуруҳ аъзоларига ҳам тааллуқли (Мусакаева и др., 2008. С. 149–157). Археологик тадқиқотларга кўра, Айритом ва унинг атрофида Амударё ўнг қирғоқ бўйида териб олинган неолит даври тош қуролларидан бошқа, эрамиздан аввалги II асрнинг тўртинчи чорагидан қадимги ашёвий манбалар ва улар




*2-расм. 1 - Работ мозор-қўрғони. 17-қабр*
*Рис. 2. Могильник Рабат I. Погребение №17*
*Figure 2. Burial mound Rabot I. Burial ground No. 17*

билан боғлиқ археологик ёдгорликлар аниқланмаган. Айритом қабрлари тузилиши, жасадларни лаҳадга қўйиш, яъни бошлари шимолга, шимоли-ғарбдан жануб, жануби-ғарбга йўналганлиги, елкада ёнбошлатиб узала ҳолатда қўйилиши (Тургунов, 2002. С. 113–125) Работ I мозор қўрғонларидаги дафн усулини айнан такрорлайди. Айритом мозорини қолдирган аҳоли Тармита-Термиз ва унинг атрофида, эҳтимолки Тумиет (Думи) ябғусининг (Ходжаев, 2010. С. 156) бир гуруҳидан бўлиб, улар Сурхондарё (Чағонруд) чап қирғоғига ўтиб, дарёнинг Амударёга қуйилиши жойидан Кофирниҳоннинг ўнг қирғоғига, унинг Амударёга туташ жойигача кўчиб юрган. Бу гуруҳ Айритомда даставвал Г. А. Пугаченкова томонидан "форт", деб талқин этилган мустаҳкам иншоотга асос солган (Пугаченкова, 1973. С. 94–95. Рис. 13 а). Айритом юечжилар томонидан Окс-Амударёдан кечув жойидан бири сифатида танланган. Чунки, Амударё ичида Айритом рўпарасида дарёни иккига бўлиб турган узун орол мавжуд (Тургунов, 1973. С. 30–32). Айритомда кечувни қўриқлаб турган мустаҳкам қалъа барпо этганларидан сўнг, юечжилар Окс-Амударёнинг ўнг қирғоғи юқори оқими бўйлаб аҳоли манзилларига асос солганлар ёки мавжудларини кенгайтирганлар. Ана шундай иншоотлардан бири Хотинработ мавзесида жойлашган Хотинработ қишлоғ макони бўлса, иккинчиси Кушон подшолиги даври меъморчилигида жуда кенг қўлланилган оқтош конларига бой, баланд табиий тепалик устида қурилган Хўжа Гулсуяр ёки Бургутлар тепалигидаги оқтошни қайта ишлаган қадимги устахоналар мажмуи ҳисобланади. Хўжа Гулсуяр ёки Бургутлар тепалигининг баландлиги 85 м, томонлари: шарқдан ғарбга 800 м, шимолдан жанубга 550 м ва унинг биринчи қаватида томонлари 40х40 м, бурчаклари куннинг тўрт тарафига йўналган маҳобатли иншоот асоси мавжуд. Юқори қисмдан қуйида, баъзи бир жойларида қадимги бино қолдиқлари сақланиб қолган буржли девор билан ўраб олинган иккинчи поғона (терраса) жойлашган (Ставиский, 2001. С. 52–54). М. Е. Массон, Г. А. Пугаченкова ва Б. Я. Ставиский Хўжа Гулсуярни муттасил мавжуд бўлишини Кушон подшолиги даври билан боғлаганлар. Хўжа Гулсуяр Э. В. Ртвеладзе томонидан 1967 йилда текширилган ва бу жараёнда археолог томонидан эллинистик ва кушон даврига оид сопол идиш намуналари тўпланган. 2010 йилда Тоҳаристон археологик экспедицияси ходимлари О. Арипжанов ва А. Н. Горин томонидан қисқа муддатли тадқиқотларда, бу табиий тепаликнинг энг баланд қисмида жойлашган бино тош бўлаклардан барпо бўлганлиги аниқланган. Чамаси, деб таъкидлайди Э. В. Ртвеладзе, бу иншоот Окс-Амударё бўйидаги энг баланд жойда 85 метр баландликда жойлашган ибодатхона бўлган (Ртвеладзе, 2021. С. 296).

Э. В. Ртвеладзе Птоломей "География"сида тилга олинган Окс (Амударё) бўйи шаҳарларидан Сураганани бевосита Хўжа Гулсуяр ўрнига локализация қилган.



*3-расм. Эски Термиз. Чингиз-2. Ўзбек-француз экспедицияси фондидан*
*Рис. 3. Старый Термез. Чингиз-2. Из фонда узбекско-французской экспедиции*
*Figure 3. Ancient Termiz. Chingiz-2. From the fund of the Uzbek-French expedition*

Э. В. Ртвеладзе фикрича, "Сурагана" топоними икки компонентдан таркиб торган яъни "сур" ва "ган" дан. "Сур"ни туркий "саур/соур" сўзи билан боғлаб, уни "от туёғи", "от туёғига ўхшаш тоғ" ёки санскритча "suria (sŭr)"-қуёш худоси, деб изоҳлаган. Шу асосда муаллиф "Сурагана" топонимини туркий-бақтрия сўзлари бирикмасидан таркиб топган "тоғдаги кон" ёки санскритча "худолар маскани", деб талқин этган (Ртвеладзе, 2021. С. 295–297). Сурагана таркибидаги "сур" сўзининг яна бир муҳим маъноси бор. XX асрнинг 50–80 йилларида Термиз туманининг кўп сонли қўй отарлари айни шу Хўжа Гулсуярнинг икки тарафида, хусусан Тузкон кўлидан Хотинработ ва ундан Амударё юқори оқими бўйлаб Ўтонжар ҳудудигача боқилган ва улардан ноёб тўл-сур олинган. Бу этнографик маълумот Хўжа Гулсуяр-Хотинработ ҳудуди табиати чорва, шу жумладан қўйчилик учун ҳам жуда муҳим макон бўлганлигини кўрсатади. Эски Термизнинг Чингиз 2 ёки Кичик Чингиз ёдгорлиги таркибидаги эрамиздан аввалги III–II асрларга оид бинода қўлланилган оқтошдан ясалган эшик устунлари (3-расм) Юнон-Бақтрия шоҳлиги ҳукмронлигида ясалган бўлса, у ҳолда Хўжа Гулсуяр ўрнидаги иншоот эрамиздан аввалги III–II асрларда мавжуд бўлган ва оқтош (тайёр ёки ярим тайёр маҳсулот шаклида) сув йўли орқали Тармита-Термизга қайиқларда олиб келинган. Бундан англашиладики, юечжилар Хўжа Гулсуяр таркибидаги устахоналарни вайрон қилмаганлар. Шу боис, Кушон подшолиги даврида бу жойда оқтошни қайта ишлаш янада ривож топган. Хўжа Гулсуяр мажмуининг яна бир жиҳати – у тўрт томондан 15–20 км узоқликдан яққол кўринади ва ўзига хос назорат иншооти ҳам бўлиб хизмат қилган. Хотинработ ҳудудида, бевосита Амударёнинг ўнг қирғоғида Хотинработ аҳоли манзили аниқланган ва унда эрамизнинг I–II асрларида мавжуд бўлган ҳунарманд уйи қазиб очилган (Пугаченкова, 1973. С. 97. Рис. 16). Бу ёдгорликнинг кўп қатламлигига қараганда, Хотинработ ўрнидаги аҳоли манзилига эрамиздан аввалги I асрда асос солинган. Шундай қилиб, Чағонруд (Сурхондарё)нинг Амударёга қуйилиш жойи чап қирғоғидан Кофирниҳон дарёсининг ўнг қирғоғига ёки унга қадар Амударё бўйини иккига ажратиб турган Ўтонжар, деб аталган чуқур жарликка қадар масофа 50–60 кмни ташкил этади. Бу чорвачилик ва ўтроқлашув ҳудуди қуйидаги афзалликлари билан ажралиб туради. Серсув, ўт-ўланга бой яйлов, ов учун қулай ёввойи ҳайвонот дунёси мавжуд тўқайзор ва унга шимол, шимоли-ғарбдан туташ чўл зонаси, қайта ишлашга жуда қулай оқтошга бой конлар, Айритом рўпарасида Амударёни иккига бўлиб турган оролнинг мавжудлиги. Бу хусусиятларнинг барчаси чорвачиликни юритишни тўрт фаслига, ўтроқлашув жараёнига ва айни бир пайтда жанубий Бақтрияга ўтиш учун қулай имконият яратган.

Окс-Амударёнинг ўнг қирғоғи буддавийлик иншоотлари хронологияси ва айниқса, Тармита-Термизнинг энг дастлабки буддавийлик монастирининг қадимги номи уни бевосита "Катта юечжинлар билан боғлиқлигидан дарак беради. Хитойшунос А. Ходжаев фикрича, "рузийлар" (юечжилар) томонидан Амударёнинг шимолий қирғоғида буддавийлик ибодатхонасини қурилиши эрамиздан аввалги I аср охирида – эрамизнинг I асри бошида ёки Кушон подшолиги ҳукмронлиги даврида амалга оширилган, чунки буддавийлик юечжилар томонидан эрамиздан аввалги I аср давомида қабул қилинган. Шу аср охирида рузий (юечжи) буддавийлик вакилларининг Хитойга томон ташрифи амалга оширилади. "Саньгочжи" "Уч подшолик тарихи"ни дарак беришича, эрамиздан аввалги I асрнинг 2-йилида, биринчи рузий (юечжи) буддавийлик вакиллари Фулига ташриф буюрган ва Будда таълимотининг бутун мазмунини ёддан айтиб берган (Ходжаев, 2010. С. 162–163). А. Ходжаевга қадар Б. Я. Ставиский ҳам айни шу муаммога тўхталган. Б.Я. Ставиский эрамизнинг III асрида яратилган ёзма манба "Вейлио"дан сақланиб қолган ҳикояларнинг бирида хитойликларни эрамиздан аввалги I асрнинг 2-йилида илк бора буддавийлик матнлари билан "Катта юечжинлар ҳукмдори элчиси ёки отасининг топшириғи билан элчиларни қабул қилган шаҳзода таништирилган (Ставиский, 1977. С. 181–182). Шу ўринда В.В. Вертоградова ва айниқса, Ж. Фуссман томонидан Фаёзтепа ўрнидаги буддавийлик монастиридан топилган қадимги ҳинд хати-кхароштҳида, бу монастирни фаолият кўрсатган даврида "Hayə-vihərə" "Отли монастир" деб ўқилиши диққатга сазовордир (Pidaev and others, 2011). Бу атамани "отлилар монастири", яъни отлиқ суворий томонидан қурилган монастир деб талқин этиш мақсадга мувофиқдир (Аннаев, 2021. Б. 21). Фаёзтепа ўрнидаги буддавийлик монастири Қоратепа буддавийлик марказидан 1 км шимолий тарафда, майда тошли дарё қуми қатлами устида қурилган. Монастирининг узунлиги 118,40 м, эни ҳовли билан бирга 53,00 ва 54,00 м, ҳовлини яна катта ступа шимоли-шарқий тарафида кенгайиши туфайли унинг эни 61,00–62,00 метрни ташкил этади (Аннаев и др., 2010. С. 53). Ғишт қуйиш ва пахса девор кўтаришда ярокли тупроқ ва сув манбаи Фаёзтепадан камида 1,5 км жануби-ғарбда Амударё бўйида мавжуд бўлган. Т. К. Мкртычев тасаввур қилганидек, бундай улкан иншоотни эндигина Тармита-Термизга қириб келган будда жамоасининг биргина ўзи барпо этиши жуда амри маҳол бўлган. Асосида тўрт қатордан иборат пахса девор ва унинг устидан минглаб хом ғиштлардан барпо бўлган бу буддавийлик монастири будда жамоаси билан биргаликда "Катта юечжилар"дан бир гуруҳини бевосита иштирокида қурилган. Фаёзтепа ўрнидаги буддавийлик иншоотини "Haya-vihərə", яъни "Отлилар монастири", деб талқин этилишининг боиси ҳам шундадир.

"Катта юечжинлар"дан бир гуруҳини Шимоли-ғарбий Бақтрияда ўтроқлашуви Вахшувар-Далварзинтепа йўналиши бўйлаб ҳам содир бўлган. Бу йўналишнинг бир тарафи жанубий Ҳисор тоғ тизмаси таркибига кирган Вахшувар тоғига туташ бўлса, қуйи қисми Далварзинтепа ва унинг теварак атрофидаги паст текисликни ўз ичига олган. Хўжалик юритиш бевосита Вахшувар тоғидан бошланадиган Вахшуварсой ва ундан ҳосил бўлган кўл (Дарёз), Шакар (чамаси Чокар), Толлисой каби қадимий ирмоқларга асосланган. Бу йўналишда турли даражадаги аҳоли манзиллари билан бир қаторда битта шаҳар туркумидаги Каттатепа билан шунингдек, ўз даври учун йирик шаҳар Далварзинтепа мавжуд бўлган. Каттатепа умумий майдони 1 гектар атрофида 110 x 80 м, ундан 300–400 м шимолий, шимоли-шарқий тарафларда у билан боғлиқ тепаликлар жойлашган. Булардан бири "Кичиктепа", деб аталса, ўртадагиси "Баччамозор" ва учинчиси Холниёзтепа. 1999–2000-йилларда Холниёзтепада 10 x 18 м майдонда 20 та қабр аниқланган, шулардан 14 та қабр қазиб очилган. Холниёзтепа ўрнидаги қадимги

қабристонда 3 турдаги: тўрт бурчакли ўра, лаҳад ва ёрма шаклдаги қабрлар аниқланган. Жасадлар ёнларига қўйилган сопол идишлар, бронза кўзгу, билакузук, сирғалар, темир пичоқлар асосида Холниёзтепа ўрнидаги қабристон Юнон-Бақтрия подшоҳлигининг сўнгги асрида шаклланган, деб аниқланган (Мухитдинов, 2001. С. 101–105).

Э. В. Ртвеладзе фикрига кўра, Далварзинтепа наусида асосий дафн жараёни эрамиздан аввалги II–I асрларда амалга оширилган, эрамизнинг II–III асрларида бу жараён қисқа муддатли бўлган. Бузилмай қолган хона (склеп)ларда қуйидаги дафн жараёни қайд этилган. Иккинчи склеп энг қуйи биринчи дафн қатлами. Жасад бир қисми хумда, томонлари 2,32 х 0,86 м, чуқурлиги 90 см ўрада қўйилган. Суяк эркак кишига тегишли, жасад елкасида, қўллари ён томонга, оёқлари тўғри қўйилган ҳолатда дафн этилган. Иккинчи қатлам дафн жараёни мутлақо бошқа кўриниш ва усулда амалга оширилган. Хонада бутун қатлам бўйлаб эркак ва аёллар суяклари тартибсиз ҳолатда ётибди. Тўртинчи сағана биринчи, энг қуйи қатлам ҳисобланади. Жасад хона полига тўғрибурчак шаклидаги ўрада қўйилган. Жасад елкада узала ҳолатда қўйилган, боши шимоли-ғарбга қаратилган, қўллари ёнларига ва оёқлари тўғрига узатиб қўйилган. Иккинчи дафн маданий қатламида жасадларни қўйишда ҳеч қандай тартиб кузатилмайди. Бу дафн қатламининг турли жойида 8 бош чаноқ суяги қайд этилган. 5–6 – склепларда 1; 2, 7–8 – склепларда гарчанд учта дафн қатлами аниқланган бўлсада, уларда иккинчи дафн қатлами одати, яъни тозаланган суякларни қўйиш такрорланган. Умуман Э. В. Ртвеладзе маълумотлари асосида Далварзинтепа наусида 40 дан ортиқ инсонлар дафн этилган. Булардан иккитаси яхлит (жасад) ҳолатида, биттаси оддий услубда, иккинчиси хумда дафн этилган энг қуйи биринчи қатламда қўйилган бўлса, қолганлари даставвал тозаланган суяклардан таркиб топган (Ртвеладзе, 1978. С. 112).

Эрамиздан аввалги II аср охиридан Кушон подшолиги даври дафн иншоотларининг картографиясига кўра, Шимоли-ғарбий Бақтрияда "Катта юечжилар"нинг қуйидаги энг дастлабки чорвачилик ва ўтроқлашув ҳудудлари мавжуд бўлганлиги кузатилади. Булар: Бойсун-Бандихон, Термиз ва унинг атрофи, Айритом-Хотинработ, Вахшувар-Далварзинтепа, Тўпаланг-Холчаён-Боботоғ шимолий-ғарбий ён бағри. Бу йўналишларнинг барчасида Бақтрия ўлкаси ва бақтрияликларга хос бўлмаган дафн усули, яъни жасадни ерга кўмиш одати кузатилади. Бу туркумдаги қабрларнинг энг қадимгиси радиакарбон (С-14) таҳлили натижаларига кўра, эрамиздан аввалги II асрнинг тўртинчи чорагида билан даврлаштирилган (Работ I мозор-қўрғонлари). Кухитанг тоғларидан жануби-ғарбий ўнг қирғоқ Амударё бўйида, Бобошов мозор-қўрғонлари асосида (Мандельштам, 1975. С. 64–130) Тошработ-Куҳитанг ҳудуди ажралади. Амалда Бобошов мозор қўрғонларини қолдирган аҳолида ўтроқлашув жараёни кузатилмайди. Ф. Грене томонидан Тиллатепада олтита бой қабрларнинг айни шу Бобошов мозор қўрғонларини қолдирган аҳоли билан боғланганлигини инобатга олсак (Грене, 2014. С. 57–67), у ҳолда бу этник гуруҳнинг асосий машғулоти чорвачилик ва ҳарбий юришлар билан чегараланган. Шу боис, Тиллатепа қабрларида юнон-рим, парфия ва ҳинд мадиний дунёсига оид рангли металлдан ясалган буюмлар, тақинчоқлар ва нумизматика намуналарининг мавжудлиги (National Treasures..., 2019) айни шу жараён билан изоҳланади (4-расм, а, б).

Ўз навбатида, Шимолий Бақтриянинг Жанубий Тожикистон қисмида, М. М. Дьяконов (Дьяконов, 1950. С. 154–178), А. М. Мандельштам (Мандельштам, 1966; Мандельштам, 1975), Б. А. Литвинский, А. В. Седов (Литвинский и др., 1984) тадқиқотлари асосида "Катта юечжинларнинг қуйидаги йўналишларда чорвачилик ва ўтроқлашув жараёни кузатилади. Булар: Ҳисор воҳаси, Бишкент воҳаси (5-расм), Тахти Сангин-Вахш дарёси ўнг қирғоғи, Кофирниҳон дарёсининг чап қирғоғи, Қизилсув-Яхсув дарёлари ҳавзаси, Панж дарёси ўнг қирғоғи.



*4-расм. а) Рим императори Тиберий олтин тангаси. 14-37 йй. Тиллатепа. 3-қабр*
*Рис. 4. а) Золотая монета римского императора Тиберия. 14-37 гг. Тилля-тепа. Погребение №3*
*Figure 4. a) Gold coin of the Roman Emperor Tiberius. 14-37 years. Tillatepa. Burial ground No. 3*



*4-расм. б) Ҳинд олтин медальони. Эр. авв. I - эрамизнинг I асри. Тиллатепа. 4-қабр*
*Рис. 4. б) Индийский золотой медальон. I в. до н. э. - I в. н. э. Тиллятепа. Погребение №4*
*Figure 4. b) Indian gold medallion. 1st century BC - 1st century AD. Tillatepa. Burial ground No. 4*

XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб замонавий тарихий ва археологик адабиётларда "Катта юечжинларнинг Бақтрияга юриши, жойлашуви ва бу аҳолининг қайси этносга мансублиги, уларнинг Кушон подшолиги шаклланишидаги ўрни борасида қатор ўзига хос фикрлар билдирилган. Б. А. Литвинский, И. Р. Пичикян Тахти Сангиндан топилган фил суягидан ясалган буюмларда тасвирланган юечжиларнинг ов жараёнини, қўштирноқ ичида "бақтрияликлар овда", деб талқин этганлар (Древности Таджикистана..., 1985. С. 98. Рис. 247). Л. А. Чвырь Тулхор, Тўпхона, Бобошов, Бишкент, Орицтов, Айритом каби айнан шу турдаги дафн иншоотларини бақтрия-кушон дафн усули ва бу одатни бақтрия-тожик дафн маросими, деб атаган (Чвырь, 1991. С. 190–206).

Бақтриянинг "Катта юечжинлар ва Кушон подшолиги даври дафн иншоотларини археологик жиҳатдан ўрганаётган Ўзбекистон ва Хитой археологик гуруҳининг ХХР томонидан раҳбари Ванг Цзянь Синь бу борадаги тадқиқот натижаларини қуйидагича шарҳлаган: "Тарихий манбаларни таҳлил этиш асосида хулоса қилиш лозимки, Работ қабристонида қолдирилган жасадлар кўчманчи чорвадор юечжи ("Катта юечжинлар –муаллифлар) халқига, шу билан бир даврда ер усти дафинаси (науслари) асосан суғориладиган воҳадан фойдаланадиган Гуйшуан (Кушон – муаллифлар) халқига тегишли. Бу икки маданий реликт, яъни ўша давр маданий қолдиғи ўзаро боғлиқ бўлиб бир даврда мавжуд бўлган, аммо турли аҳоли гуруҳларига тегишли". Ванг Цзянь Синь ўз тезисини шундай хулосалайди: Гуйшуан (Кушон – муаллифлар) аҳолиси юечжи ("Катта юечжинлар) тармоғидан бўлмасдан, балки жон сақлаб қолган Юнон-Бақтрия қабилаларидан бири. Кейинги Гуйшуан (Кушон) империяси юечжи маданияти ўрнига Гуйшуан маданий анъанасини давом эттирган ва Гуйшуан (Кушон – муаллифлар) империясига юечжи ("Катта юечжинлар) эмас, балки Гуйшуан (Кушон – муаллифлар) аҳолиси асос солган (Ванг, 2021).

Ванг Цзянь Синь ва унинг гуруҳини қадимги, шу жумладан "Катта юечжинлар билан боғлиқ дафн иншоотларини ўрганиш борасидаги юқори малака ва услубларини алоҳида қайд этган ҳолда, бу муаллиф хулосасининг қатор жиҳатлари эътирозли ва изоҳга муҳтож. Тўппа тўғри: Хитой қутқусидан қочиб келган чорвадор халқни катта салтанатга (Кушан) асос солишгани орадан 2000 йил ўтсада бугунги Хитой олимлари тан олмаслиги табиий. Бу бугунги сиёсат билан ҳам боғлиқ.

Булар қуйидагилар: Таъкидлаш жоизки, "Катта юечжинларнинг даставвал Шимолий Бақтрияга ва умуман, Бақтрияда жойлашуви, қадимги Хитой манбаларида тилга олинган 5 ябғу (хитойча хи-хэу), шу жумладан Гуйшуан (Кушон) ябғусининг локали-

